

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/30.12.2019.Psi.72.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

РЎЗИҚУЛОВА АМИНА ТОТЛИБОВНА

ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА НИКОҲ-ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ МУСТАҲКАМЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

УЎТ: 17.022.1(=512.133):173(575.1)

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
the Psychological Sciences**

Рўзиқулова Амина Тотлибоевна

Ўзбек оилаларида никоҳ-оила муносабатларининг ташкилий-психологик
жиҳатлари мустаҳкамлигини таъминлаш 5

Рузикулова Амина Тотлибоевна

Обеспечение устойчивости организационно-психологических аспектов
брачно-семейных отношений в узбекских семьях 25

Ruzikulova Amina

Ensuring the sustainability of the organizational and psychological aspects of
marriage and family relations in Uzbek families 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/30.12.2019.Psi.72.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

РЎЗИҚУЛОВА АМИНА ТОТЛИБОВНА

ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА НИКОҲ-ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ МУСТАҲКАМЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2020.2.PhD/P189 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (<http://ziyonet.uz/>) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Соғинов Нурмат Абдусаматович**
психология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: **Жабборов Азим Мейликулович**
Психология фанлари доктори, профессор
Акрамова Феруза Акмаловна
Психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD03/30.12.2019 Psi.72.06 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил "20" *август* соат *10⁰⁰* даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+998 65) 221-29-14; факс: (+998 65) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz.)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (*2* рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+998 65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил "*20*" *июль* кунлари тарқатилди.
(2022 йил "*20*" *июль* даги *А/1862* рақамли реестр баённомаси.)



О.Х.Хамидов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

А.М.Назаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Р.А.Абдурасулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, психология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тез ўзгараётган, ривожланаётган ва трансформациялашаётган инсоният этногенезисининг асосини ташкил этадиган оила ва никоҳ муносабатлари софлигини сақлаб қолиш, янада такомиллаштиришда миллий ва умуминсоний қадриятлар контекстида замонавий оилалардаги никоҳ ва оила муносабатларига асосланган идеални қарор топтириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли оила ва никоҳ муносабатлари, эр-хотин ўртасида соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш, уларни турли тиббий ва ижтимоий таҳдидлар, зарарли иллатлардан ҳимоя қилиш, тиббий-маънавий саводхонлигини ошириш, санитария ва гигиена қоидаларига тўлиқ риоя қилиш, жамиятда маънавий қадриятларни тиклашга доир илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда инсонлар ҳаётидаги улкан ўзгаришлар, ижтимоий тармоқлар, ва телевидиниянинг мавқеи кун сайин ортиб бораётгани, бир қарашда урф-одат ва анъаналарни ўрганиш масалалари замонавийлашиш жараёнлари комида қолаётгандай туюлсада, уларнинг жамият ҳаётидаги, оила маънавияти ва мафқурасининг шаклланишидаги аҳамияти камаяётгани йўқ.

Оила ва никоҳ муносабатлари маданияти, айниқса эр-хотин ўртасида соғлом турмуш маданиятини комплекс ўрганиш билан уларни ривожлантиришнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш каби амалга оширилаётган илмий изланишлар таркибида миллий қадриятлар контекстида никоҳ ва (ёки) оила муносабатларини янада такомиллаштириш, оилавий ҳаёт сифатини яхшилаш, эр-хотинларнинг никоҳда роли кутишлари ва даъволари тартибга солиш каби йўналишлардаги илмий тадқиқотлар устувор даражада амалга оширилмоқда.

Бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув даврига келиб ҳам Ўзбекистон ўз истиқболи ва келажагини оилани ривожлантириш, уни эъзозлашда, деб билаётгани юқоридаги анъанавий қадриятларимизни янада бойитган ҳолда замонавий, намунали ва фаровон оилани барпо этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Республикамизда оила институтини мустаҳкамлаш, умуминсоний ва миллий қадриятларни тарғиб этиш орқали оилалардаги соғлом ва маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, маҳаллаларда вояга етаётган қизлар ва ёш келинлар ўртасида оила, турмуш маданияти, тиббий маданият, миллий қадриятларни эъзозлаш, оилаларни мустаҳкамлашга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни изчил давом эттиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилди ва моддий-техник базаси кенгайтирилди. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастуридаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш»га қаратилган 69-мақсадда «Оила институтини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни тизимлаштириш ва самарадорлигини янада ошириш»га ҳамда «2022 – 2026 йилларда хотин-

қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастуридаги Оила институтини мустаҳкамлаш»га қаратилган 4-бўлимда «Оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда оилавий кадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш; оилаларга таъсирчан методик, консултатив ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш»га алоҳида эътибор қаратилди. Натижада юртимизнинг социал-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштироки камайтирилиб, замонавий ўзбек оилаларида никоҳ-оила муносабатлари мустаҳкамлигининг таъминланишида миллий кадриятларнинг аҳамиятини янада оширишга хизмат қиладиган оила институти функциялари такомиллашади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2022 йил 1 мартдаги ПФ–81-сон «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 7 мартдаги ПФ–87-сон «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 1 мартдаги ПҚ–146-сон «Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2018 йил 27 июндаги ПҚ–3808-сон «Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги 145-сон «Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда мазкур диссертацион тадқиқот маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация фан ва технологиялар бўйича Республика кенгаши томонидан тасдиқланган илм-фан ва технологияларнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳондаги ривожланган мамлакатларда никоҳ-оила муаммоларини илмий тадқиқ этиш борасида ўзига хос анъаналар шаклланган. Хориж олимларидан, И.Я.Бахофен, Ж.Ф.Мак-Леннан, Л.Г.Морган, Д.Леббок, Г.Спенсер, У.Вилкен, Ф.Гелвалд, С.Летурно, М.М.Ковалевский, И.Н.Смирнов, Э.И.Якушкина, Н.Н.Харузинларнинг асарларида никоҳ ва оила муносабатларининг шаклланиши, матриархат ва патриархат даврлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни илгари сурилган¹.

Ижтимоий-сиёсий ва педагогик мутахассисларнинг фикрига кўра, XX асрнинг сўнгги ўн йилларида рўй берган муҳим ижтимоий ўзгаришлар шахсий

¹ Морган Л.Г. Древнее общество или исследование линий человеческого прогресса и дикости через варварство к цивилизации. Л.:1935. 368 с.; Харузин Н.Н. Очерки первобытного права. 1. Семья и род. Публицистика. Москва:Издание Книжного магазина и Кнебаль, 1898. 174 с.

хаёт йўналишини белгиловчи ижтимоий меъёрларнинг йўқ қилинишига олиб келди. Бундай ўзгаришлар замонавий одамларнинг оила, никоҳ муносабатидаги ўзгаришларнинг сабаблари эди. Ижтимоий институт сифатида оилага бўлган муносабат табиатининг ўзгариши, ҳамда эр ва хотин, болалар ва ота-оналар, ака-ука ва опа-сингиллар ўртасидаги никоҳ ва оила муносабатлари муаммоси ҳал қилинмади.

МДХ мамлакатларидан Г.М.Андреева, Л.Б.Толстова, А.Харчев, С.И.Голод, В.М.Черняк, А.Либин, О.А.Карабанова, Р.С.Немов каби олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда никоҳ-оила муносабатларининг социологик ва ижтимоий - психологик жиҳатлари ўрганилган.²

Мамлакатимизда никоҳ-оила муносабатларига оид бир қатор илмий изланишлар олиб борган олимлар М.Г.Давлетшин, Ғ.Б.Шоумаров, В.А.Токарева, В.М.Каримова, Ш.Р.Баротов, Р.И.Суннатова, Н.А.Соғинов, Б.М.Умаров, З.А.Расулова, Н.С.Сафоев, М.А.Утепбергенов, Т.М.Адизова, Ф.Р.Рўзиқулов, М.Х.Файзиева, Н.Салаева ва бошқалар томонидан ўзбек оиласининг этник, ҳудудий, ундаги шахслараро муносабатларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларига эътибор қаратганлар³.

Ўзбек оилаларининг ўзига хослиги ва этнопсихологик томондан бетакрорлиги З.А.Расулованинг тадқиқотларида кенг ёритилган. Айнан ушбу иш методологик асос сифатида замонавий ўзбеклар никоҳ-оила муносабатларининг ривожланишида миллий кадриятларнинг ўрнини ўрганишга замин яратади.⁴

Замонавий оиладаги оилавий муносабатларнинг муаммосини кенг кўламли ўрганишларига қарамай, бир қатор муаммолар ҳалигача ҳал қилинмаган: оила мустаҳкамлигини таъминловчи омиллар сифатида миллий кадриятлар алоҳида предмет кўринишида ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Навоий давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Оилаларда ота-она ва фарзандлар, эр ва хотин,

² Андреева Т.В., Толстова Л.Б. Темперамент супругов и совместимость в браке. //Ананьевские чтения. Тез. Науч. Конф. "Образование и психология". – СПб.: Изд-во С-Петербургского университета, 2001.; Голод С.И. Стабильность семьи: социологический и демографический аспекты. /Под ред. Г.М.Романенковой. –Л.:Наука. Ленингр. отд-е, 1984. – 136 с.; Либин А.В.Дифференциальная психология: на пересечении европейских, российских и американских традиций. Москва,«Смысл», 1999.; Немов Р.С., Алтунина И.Р. Социальная психология: Учебное пособие. –СПб.:Питер, 2008. – 432 с.; Черняк Е.М. Социология семьи. 3-е изд., перераб. и доп. –М.:Издательско-торговая корпорация "Дашков и К", 2004. – 238 с.

³ Давлетшин М.Г., Шоумаров Ғ.Б. Замонавий ўзбек оиласи ва унинг психологик хусусиятлари /Ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари: Республика илмий-амалий анжумани маърузалари қисқача баёни. – Тошкент, 1993. - Б. 3-7.; Шоумаров Ғ.Б., Расулова З.А. Оила энциклопедияси. – Т.:Ilm-Ziyo-Zakovat. 2016. – 416 б.; Шоумаров Ғ.Б., Қодиров У.Д., Хожибоев И. Оилага психологик ёрдам кўрсатиш асослари. /Ўқув кўлланма. –Тошкент: "Tafakkur Wo'stoni", 2014. – 236 б.; Токарева В.А. Нравственно-психологические основы здорового образа жизни. /Здоровый образ жизни – основа воспитания подросткового поколения. – "Соғлом авлод учун" Материалы научно-практической конференции. –Тошкент, 1996. –С. 21-24.; Утепбергенов М.А. Қорақалпоқ оилаларининг ижтимоий ва этнопсихологик муаммолари. Психол. фан. докт. ...дисс. 10.00.05. – Т., 2019. 210 б.; Умаров Б.М. Оилавий тарбия сабоқлари. –Т.: "TASVIR NASHRIYOTUYI", 2019. - 52 б.; Файзиева М.Х. Оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий - психологик хусусиятлари (эр-хотин мисолида): Психол. фан. номз. ... дисс. автореф. - Тошкент: ЎзМУ, 2005. - 25 б.

⁴ Расулова З.А. Ўзбекларда оила-никоҳ аъналарининг ижтимоий ва этник психологияси. Психол. фан. докт. ... дисс. 19.00.05. –Т.,2018. -210 б.

қайнона ва келин ўртасидаги муносабатларни яхшилаш, ҳамда улар орасида низоли, оғир турмуш шароитини амалий ҳал қилиш механизмларини жорий этиш» ва «Ўзбекистонда суициднинг сабаблари, омилларини ўрганиш ва олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш» мавзуларидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек оилаларида никоҳ-оила муносабатларининг ташкилий-психологик жиҳатлари мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ижтимоий субъект (шахс, миллат) ва дин қадриятлари тизимида мос равишда намоён бўлувчи шахс хусусиятлари компонентларининг оилавий муносабатларни мустаҳкамловчи психологик омил эканлигини аниқлаш;

ўзбек оилаларида никоҳ-оила муносабатларининг ташкилий-психологик жиҳатлари мустаҳкамлигини таъминловчи омилларни белгилаш;

жисмоний ва психологик саломатлик компонентлари ёрдамида оилавий муносабатлар ва оиланинг ижтимоий институт мақомини оширишга ижобий таъсирини диагностикалаш;

никоҳ-оила муносабатларининг ташкилий-психологик жиҳатлари мустаҳкамлигини таъминловчи устувор саналадиган қадриятларни аниқлаш;

шарқона оила институти контекстида эр ва хотиннинг ролли адекватлигини таъминловчи гендер сезувчанликни диагностика қилиш ҳамда замонавий ўзбек оила институтини такомиллаштиришга хизмат қилувчи амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ҳозирги замон ўзбек оилаларида никоҳ-оила муносабатлари мустаҳкамлигини таъминлашда миллий қадриятларнинг аҳамияти олиниб, тажриба-синовда жами 350 та оилалардан 300 нафар респондентлар ҳамда Тошкент шаҳри ва вилоятидан 100 нафар, Навоий шаҳри ва вилоятидан 100 нафар, чет эл ҳудуди (Россия, Тожикистон, Япония (Токио), АҚШ(Нью-Йорк)дан 100 нафар иштирок этган.

Тадқиқотнинг предмети ўзбек оилаларида никоҳ-оила муносабатларининг ташкилий-психологик жиҳатлари мустаҳкамлигини таъминловчи миллий қадриятлар, уларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари, ҳудудий ва этнопсихологик омиллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида суҳбат, кузатув, ижтимоий-психологик сўровнома (ИПС), контент-таҳлил методларидан, шунингдек, ҳаёт сифатининг индексини аниқлашга мўлжалланган «SF-36. Health Status Survey» сўровномаси, «Оилавий қадриятлар ва ролли кутишлар» А.Н.Волкованинг методикаси, «Қадриятлар тизимини» аниқлаш М.Рокичнинг методикаси ҳамда математик-статистик методларидан (фоизли таҳлил, Дихотомик корреляция, К.Пирсоннинг корреляция коэффицентини ҳисоблаш методи) фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

никоҳ-оила муносабатларида эр-хотиннинг ролли адекватлиги, эркак ва аёллар гендер сезувчанлиги ижтимоий ҳуққда акс этиши учун ижтимоий, этник, гендер ва шахсий идентификациялардаги фарқланишни миллий қадриятлар асосида бошқариладиган механизмлар билан маҳаллий

ҳоқимиятлар таркибида оилалардаги ижтимоий, маънавий-руҳий муҳитни такомиллаштирадиган «Оила ва хотин-қизлар» бўлими ташкил этилиши асосланган;

жамиятда оилавий қадриятларни сақлаш ва оиланинг маънавий-ахлоқий муҳитини яхшилашнинг самарали тизимини яратишда оиланинг ижтимоий-психологик ҳолатини адекват шахслараро муносабатларнинг ижтимоий-психологик патернлар асосида барқарорлигини такомиллаштирадиган, мотивацион-мақсадли, мазмунли-фаолиятли, натижавий-рефлексив характердаги психокоррекция ва психопрофилактик «Психологик маслаҳат хоналари»ни маҳаллаларда ташкил қилиниши этилган;

оила ва маҳалла муносабатларининг ташкилий-психологик жиҳатлари мустаҳкамлигини таъминланишда трансформациялашган ҳаётий қадриятлар тизимига кўра меҳрибонлик уйлари, болалар шаҳарчалари, Республика болалар ўқув-тарбия муассасалари ва оилавий болалар уйларида тарбияланаётган болаларни когнитив-ҳиссий ва фаолиятли детерминантлар асосида қўллаб-қувватлашга йўналтирилган «Меҳр дафтари» тизимини жорий этиши асосланган;

никоҳ-оила муносабатлари самарадорлиги ҳаёт сифати индексидаги психик компонент (*mental health*) ва жисмоний фаоллик (*physical functioning*) интеграцияси орқали сифат ва натижадорликка эришиши оилани баҳолашнинг муҳим кўрсаткичи эканлиги илмий жиҳатдан исботланган ҳамда оиланинг бирдамлигини, оилада авлодлар ўртасидаги ўзаро алоқани сақлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган никоҳ-оила муносабатлари мустаҳкамлигининг концептуал модели ташкилий психологик жиҳатлар асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

никоҳ-оила муносабатлари муваффақиятини таъминлашда миллий қадриятларнинг аҳамияти, оилавий муносабатларда эр-хотин хатти-ҳаракатларини рағбатлантириш, ҳиссий ва оқилона тартибга солиш имкониятлари такомиллаштирилган;

оилавий муносабатларга ва оиланинг ижтимоий институт мақомини оширишга ижобий таъсир қилувчи «SF-36 Health Status Survey» сўровномаси апробациядан ўтказилган ва ижтимоий-психологик тадқиқотларда ишлатиш имконияти кўрсатилган;

SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари Самарқанд филиалида оилавий муносабатларни мустаҳкамловчи миллий қадриятларга йўналтирилган психологик тренинглар ўтказилган ва унинг турмуш тарзида намоён этиш кўрсаткичлари ошишига эришилган;

замонавий ўзбек оилаларида никоҳ-оила муносабатларини мустаҳкамлашда миллий қадриятлар аҳамиятини ифодаловчи ёш оилалар учун махсус қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилган ҳамда методик йўриқномалар, тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган методикаларнинг психометрик талабларга жавоб бериши, олинган эмпирик натижаларни қайта ишлашда математик-статистик таҳлил усулларида фойдаланилганлиги (корреляцион таҳлил, Пирсон дихотомик

кўрсаткичларга мослаштирилган таҳлил) ва миқдорий кўрсаткичларни психологик талқин этишда ишончлилик ҳамда муқаррарликнинг статистик мезонларига таянилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти никоҳ-оила муносабатларини мустаҳкамлашда қадриятлар тизимининг муҳим омил сифатида ва унинг турмуш тарзи, ролли намоён этиш кўрсаткичлари билан боғлиқлиги аниқланган. Авлоддан авлодга ўтадиган конструктив миллий қадриятларнинг асосини эркак ва аёл, ота ва она, эр ва хотин, қариндошлар, ака-ука ва опа-сингиллар ўртасидаги ўзаро муносабатларда миллий қадриятларга муносабатларнинг устуворлиги ва уларни адекват идрок этиши, никоҳ-оила муносабатларининг мустаҳкамланиши, оилавий муҳитда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланиши ўзига хос таъсири асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар, ишлаб чиқилган сўровнома ва хулосалардан бўлажак психологларни тайёрлаш, оилада соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш бўйича сўровномалар ишлаб чиқилганлиги ҳамда амалий психологларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда маърузалар ўқиш, ўқув адабиётларини яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек оилаларида никоҳ-оила муносабатларининг ташкилий-психологик жиҳатлари мустаҳкамлигини таъминловчи миллий қадриятларнинг аҳамиятини ўрганиш, уни такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш юзасидан ўтказилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

ўзбек оилаларида никоҳ-оила муносабатлари, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш мақсадида маҳаллий ҳокимиятлар таркибида «Оила ва хотин-қизлар» бўлимини ташкил этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги ПҚ-81-сон «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида киритилган («Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 18 мартдаги 01-09/308-сон маълумотномаси). Натижада никоҳ-оила муносабатларини мустаҳкамлашда қадриятлар тизими муҳим омил эканлиги ва унинг турмуш тарзида намоён этиши кўрсаткичлари ошишига эришилган;

ҳозирги замон ўзбек оилаларига эр-хотинларнинг оилавий қадриятлар тизимидаги ҳаётдан мамнунлик, яшаш ва ижтимоий муҳитга хос ҳаётий сифатларининг намоён бўлишида ҳамда оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган аёлларни «Аёллар дафтари» орқали манзилли қўллаб-қувватлаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги ПҚ-81-сон «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида киритилган («Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 18 мартдаги 01-09/308-сон маълумотномаси). Натижада миллий

қадриятларда оила никоҳни мустаҳкамлашнинг омили сифатида ўрганилган ва ёш оилаларни мустаҳкамлашга эришилган;

ижтимоий субъект (шахс, миллат) ва дин қадриятлари тизимига мос равишда намоён бўлувчи ижтимоий муҳит ва жамиятда хотин-қизларга тазйиқ ва зўравонликка нисбатан мурасасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-психологик манфаатларини таъминлаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги ПҚ-81-сон «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида киритилган («Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 18 мартдаги 01-09/308-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида замонавий ўзбек оилаларида соғлом психологик муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича амалий-психологик ишлар самарадорлигини оширишга эришилган;

трансформациялашган ҳаётий қадриятлар тизимига кўра меҳрибонлик уйлари, болалар шаҳарчалари, Республика болалар ўқув-тарбия муассасалари ва оилавий болалар уйларида тарбияланаётган болаларни когнитив-ҳиссий ва фаолиятли ёндашув асосида қўллаб-қувватлашга қаратилган «Меҳр дафтари» тизимини жорий этилганлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 17 январдаги 26-сон «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган «Меҳр дафтари» тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори асосланган (SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари Самарқанд филиалининг 2021 йил 22 октябрдаги 01/495 сонли маълумотномаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази Самарқанд минтақавий марказининг 2021 йил 22 ноябрдаги 01/123 сонли маълумотномаси). Натижада никоҳ-оила муносабатларини мустаҳкамлашда қадриятлар тизимини муҳим омил сифатида ва эркак ва аёл, ота ва она, эр ва хотин, қариндошлар, ака-ука ва опа-сингиллар ўртасидаги ўзаро муносабатларда миллий қадриятларга муносабатларнинг устуворлиги ва уларни адекват идрок этишга эришилган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқотнинг асосий натижалари бўйича 20 та илмий иш, жумладан, 7 та илмий мақола, шундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, хорижий журналларда 2 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 132 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва

вазифалари, методлари, объекти ва предмети аниқлаштирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, қайси илмий лойиҳалар доирасида амалга оширилганлиги кўрсатилган, тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётда татбиқ этилиши, илмий нашрларда эълон қилиниши, диссертацион ишнинг эълон қилиниши ва унинг тузилиши юзасидан маълумотлар илмий жиҳатдан асосланган.

Диссертациянинг **«Никоҳ-оила муносабатларининг ташкилий-психологик жиҳатлари мустаҳкамлигини ўрганиш анъаналари»** деб номланган биринчи бобида никоҳ-оила муносабатлари этиологияси, бунда табиий, ижтимоий омиллар, миллий қадриятларнинг шаклланишига оид манбалар ўрганилиб, ўзбек оиласининг ўзига хос хусусиятлари шаклланишига таъсир кўрсатган омиллар кўрсатиб ўтилган. Уларда муайян халқнинг, ўзбекларнинг турмуш тарзини ўрганган этнопсихологик тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилади. «Миллий қадриятлар» тушунчаси ижтимоий психология, шахс психологиясида ўрганилганлигига оид манбаларда шарҳланган. Айниқса, ўзбек оиласининг этнопсихологик хусусиятларига оид ишларда илгари сурилган мулоҳазаларга муаллиф ўз муносабатларини билдирган. Оилаларни этнопсихологик, ижтимоий-психологик тадқиқ этиш даврлари фарқлаб ўтилган. Фарқланган ҳар бир даврдаги асосий йўналишлар мазмуни ва етакчи тарғиботчилар (намояндалар), улар илгари сурган назарий хулосалар келтириб ўтилган. Шунингдек, мазкур параграфда «этнопсихология», «миллий психология», «миллий характер», «миллий психологик қиёфа», «қадрият» каби тушунчаларга нисбатан ўтган асрнинг 30-40, 50-60 - йилларида бўлган муносабат, бу тушунчалар мавжуд луғатларда берилган ёки берилмаганлиги каби маълумотлар жиддий энциклопедик манбалар шарҳи асосида берилган.

Диссертациянинг **«Ўзбек оилаларида никоҳ-оила муносабатларини ижтимоий психологик тадқиқотларда ўрганиш моделларининг таҳлили ва методологияси»** деб номланган иккинчи бобида ўзбекистонлик психологлар томонидан оилавий муносабатларни ўрганишга бағишланган илмий тадқиқот ишлари ҳақида маълумотлар берилган.

Ўзбекистонлик психологларнинг оилавий муносабатлар психологиясини ўрганиш борасидаги бир қатор тадқиқотларида эр-хотин муносабатларининг хусусиятлари ва оилавий муносабатларнинг бузилиш ҳолатлари (Ф.Р.Рўзиқулов 2002, Х.К.Каримов 1994), бу муносабатларнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи психологик омиллар (У.С.Сарибаева 2007, Р.Н.Нигматуллаева 2009) ўрганилганлиги таъкидланади.

Ўзбекистонлик психолог тадқиқотчилар томонидан, нафақат оилада эр ва хотин муносабатлари, балки оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги муносабатларга хос хусусиятлар, унда вояга етаетган болалар психик ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар ўрганилган (А.Абдусатторова, Г.Т.Ядгарова, З.Мустафаева, Р.И.Суннатова, Р.С.Джубатова, М.Х.Файзиева, Г.А.Қурбанова, М.С.Салаева) ўзбек оилаларида оналарнинг фарзандларга муносабати қатор жиҳатлари билан ота муносабатидан фарқ қилиши, хусусан, оналарга ғамхўрлик, муаммолардан асраш, зиён етишидан эҳтиёт қилиш,

фарзанднинг онага боғлиқлигини, рағбатлантириш хусусиятлари кўпроқ онага хослигини исботлаган.

Никоҳ-оила муносабатлари тараққиётининг ҳозирги босқичида аёлларни психотерапевтик ролининг тобора ортиб бораётганлиги деярли барча мутахассислар томонидан қайд этилмоқда. Оилада миллий қадриятларга муносабат масаласи мақсадга мувофиқ амалга ошиши кўп жиҳатдан аёлга, хотинга боғлиқ. Оилага психологик хизмат кўрсатишда миллий қадриятларни инобатга олиш масалалари берилиб, таҳлил қилинган. Унда, оила билан олиб бориладиган бир нечта номдаги вазифа, уларни ҳар бирини бажарилишининг ўзига хослиги, ҳар бир вазифани бажаришда “Миллий қадриятларни ривожлантириш ва имкониятларидан фойдаланиш”, ҳар бир банд бўйича эришилган натижалар юзасидан илгари сурилган хулосалар берилган.

Бу ишларни амалга оширишда республикамиз психолог олимлари Ғ.Б.Шоумаров, У.Д.Қодиров, М.А.Утепбергенов, Р.А.Абдурасулов, Р.Ш.Баротов, З.А.Расулова, Н.С.Сафоев, З.Асқарова ва бошқа кўплаб амалиётчи психологлар тажрибаларидан самарали фойдаланилган.

Қадриятлар тизимида мидлий қадриятларнинг ўрни ва оила муносабатларига таъсир этиш имкониятларининг фалсафий ва психологик таҳлилида, диссертация матнининг олдинги боб ва параграфларида берилган материалларнинг мантиқий давоми ўлароқ, ҳозирги замонда, яъни ХХІ асрнинг 20-йилларидан урф-одатлар ўзгариши билан асосий миллий қадриятлар (оила, инсонпарварлик, эркинлик, таълим ва ҳ.к.) ўз кучини йўқотмаганлиги таъкидланади.

Миллий қадриятларни урф-одатларда инсонларнинг хулқ-атворида акс этилиши турмуш тарзи билан боғлиқ эканлиги исботланган. 1-жадвалда оила шаклига кўра миллий қадриятларнинг намоён бўлиши кўрсатилган.

1- жадвал

Оила шаклига кўра миллий қадриятларнинг намоён бўлиши

Қадрият	Никоҳ-оила шакли			
	Анъанавий никоҳ	Диний никоҳ	Қонуний ёки юридик расмийлаштирилган никоҳ	Фуқаролик никоҳи
Миллий қадриятлар tizими	Диннинг жамиятдаги ўрни, мавқеи, одатий анъаналар, стереотиплар, шакллар	Диний қадриятлар	Умуминсоний қадриятлар Инсон, фуқаро, шахс ҳақ-ҳуқуқлари	Шахсий қизиқишлар

Шунингдек, бу ўринда, мустақилликка эришилганидан сўнг «Қадрият», «Миллий тикланиш», “Миллий онг», «Миллий ғурур» каби тушунчаларга нисбатан бўлган муносабат ва уларнинг илмий-ижтимоий адабиётларда ёритилиши, илмий-бадий лўғатларда уларга берилган изоҳлар

ҳақида тўхталиб, бундай кадриятларни ҳозирги замон никоҳ-оила муносабатлари мустаҳкамлигидаги аҳамияти кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг «Ўзбек оилаларида никоҳ-оила муносабатларининг ташкилий-психологик жиҳатлари мустаҳкамлигини таъминлаш чора-тадбирлари» номли учинчи боби тадқиқот объектини фарқлаш, тадқиқот мақсадига эришиш ва вазифаларини ечишга хизмат қиладиган яроқли методикаларни танлаб олиш, улар ёрдамида йиғилган эмпирик материалларни шарҳлашга қаратилган. Бу ҳақда ишимизнинг кириш қисмида зарур маълумотлар бериб ўтилган. Тадқиқотга Тошкент шаҳри ва вилояти (1-гурух), Навоий шаҳри ва вилояти (2-гурух) ва Республикамиз ҳудудидан ташқарида, яъни чет элларда истиқомат қиладиган оилалар (3-гурух) танлаб олинди. Улар оилавий стажларига кўра ҳам фарқланади. Булар ИПСнинг демографик қисмидаги савол-жавоблар орқали ажратиб олинган.

Оилаларда ҳаёт сифатининг (ҲС) «SF-36. Health Status Survey» сўровномаси ва кадриятлар тизими орасидаги боғлиқ жиҳатларини аниқлаб ўрганилган.

Респондентлар гуруҳларидан олинган натижалар сараланиб қайта методикада келтирилган калитлар асосида таҳлил қилинган натижалар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Ҳаёт сифатининг (ҲС) индекси кўрсаткичлари

№	Психик компонент (Mental Health)	Тошкент (n=100) ўртача балл	Навоий (n=100) ўртача балл	Чет эл (n=100) ўртача балл
1.	Ҳаётий ҳаракатчанлик (Vitality –VT)	90	80	99
2.	Ижтимоий ҳаракатчанлик (Social Functioning-SF)	60	75	80
3.	Эмоционал ҳолат (Role-Emotional-RE)	90	59	79
4.	Психик (саломатлик) (Mental Health-MH)	60	70	90
		75	71	87
	Жисмоний компонент			
1.	Жисмоний фаоллик (Physical Functioning –PF).	75	73	90
2.	Ролли фаолият (Role – Physical Functioning-RP).	96	95	86
3.	Танадаги оғриқлар(Body pain –BP);	67	54	79
4.	Умумий соғлиқ (General Health- GH).	76	89	90
		79	78	86

Ҳаёт сифатини оилалар миқдорида ўрта қийматидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги натижаларни таҳлили асосида ҳаёт тарзи шаклланганлиги ва номоён

бўлиши замонавий ўзбек оилаларда кетма кетлиги графикда ўз ифодасини топган.

Масалан, Тошкент шаҳар оилаларида ҳаёт сифати индекси жисмоний компоненти билан белгиланади умумий ўртача балл 79 га тенг. Асосий ҳаёт сифати индекси биринчи ўринда. Умумий ҳолатда оладиган бўлсак ролли фаолият энг юқори бални ташкил этади ва асосий белгиланган миқдорга нисбатдан 96 бални ташкил этган.

Ҳаёт сифатининг оилалар миқдорида ўрта қийматидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги натижалари таҳлили асосида ҳаёт тарзи шаклланганлиги ва намоён бўлишининг кетма-кетлиги замонавий ўзбек оилаларида графикда ўз ифодасини топган.

Ҳаёт сифатини ўлчаш психологик ва жисмоний компонентларининг ифодаланиши 1-расмда кўрсатилган.




1-расм. Ҳаёт сифатининг (ҲС) индекси кўрсаткичлари

Изоҳ: 1- Тошкент респондентлари; 2-Навоий респондентлари; 3- Чет эл респондентлари.

Бундай ҳолат оилаларда ижтимоий ролларни турмуш тарзига таъсир этиш белгилари юқорилигидан дарак бериши аниқланди. Қизиқарли ва эътиборли томони шундаки, танадаги оғриқлар шкаласи бўйича эътибор камайгани аниқ ҳолатда кўпроқ ўзгалар манфаатини ўйлашдан иборат бўлиши, кейин эса ўзини қизиқишларини ўзини ҳолати юзага келиши аниқланди. Олинган натижалар 2-расмда ўз аксини топган.

Ҳаёт сифати (ҲС) индекси психик компоненти кўрсаткичлари



2-расм. Ҳаёт сифати индексининг жисмоний компонентлари кўрсаткичи

Изоҳ: Жисмоний компонент: 1- жисмоний фаоллик (Physical Functioning –PF); 2- ролли фаолият (Role –Physical Functioning-RP); 3- танадаги оғриқлар(Body pain –BP); 4- умумий соғлиқ (General Health- GH).

Психик саломатлик шкаласи бўйича олинган натижалар шуни кўрсатадики, респондентлар ўзларини ўзлари бошқаришда кўпроқ ички ҳолатларини инobatга оладилар. Қониқиш даражаси юқори бўлган фаолият билан шуғулланишга эътибор берадилар. Эмоционал ҳолатлари эса бошқариладиган даражада ва фаолиятга таъсири бошқарилиши аниқланган. Психик компонентнинг ифодаси 3- расмда кўрсатилган.



3-расм. Ҳаёт сифати (ҲС) индексининг психик компоненти кўрсаткичлари

Изоҳ: Психик компонент. (Mental Health): 1-ҳаётий ҳаракатчанлик (Vitality –VT); 2- ижтимоий ҳаракатчанлик (Social Functioning-SF); 3- эмоционал ҳолат (Role-Emotional-RE); 4- психик (саломатлик) (Mental Health-MH)

Олинган натижаларга кўра, ҳар бир гуруҳ респондентлари ҳам юқори ҳаёт сифати индексини намоён қилганлиги аниқланди. Аммо, ушбу натижалар ҳаётдан қониқиш даражасининг юқори бўлганлиги ҳаётдан қониқиш даражаси билан эмас, балки кадриятлар тизимидаги бўлган ҳолатлари билан намоён бўлиши аниқланган.

Ҳаёт даражасидан мамнун бўлиш ва қониқиш даражаси кадриятлар тизими билан боғлиқ эканлиги М.Рокич методикаси ёрдамида ўрганилган. Кадриятлар тизими бевосита ҳаёт сифатининг кўрсаткичлари билан боғлиқлиги аниқланди. Таҳлил натижалари қуйидаги 3-жадвалда кўрсатилган.

3-жадвал

Ҳаёт даражасидан мамнун бўлиш ва қониқиш даражасининг кадриятлар тизими билан боғлиқлиги

Респондентлар гуруҳи	Мақсадли кадриятлар	Инструментал кадриятлар	Хулосалар
Тошкент	Ролли фаолият (role - physical functioning- gr)га оид кадриятлар: оила, жамоа, маҳалла	Ҳаётий ҳаракатчанлик ва эмоционал ҳолат ижтимоий ҳаракатчанлик	Гуруҳий, жамоавий, миллий кадриятлар
Навоий	Ролли фаолият, соғлиқ ва унинг асосий белгилари	Ҳаётий ва ижтимоий ҳаракатчанлик, жисмоний фаоллик, психик саломатлик	Гуруҳий кадриятлар ва ўз саломатлигини кадрлаш (миллий кадриятлар)
Чет эл	Биринчи ўринда ҳаётий ҳаракатчанлик	Психик саломатлик ва уни ташкил этадиган жисмоний фаоллик ва умумий соғлиқ, сўнг ролли фаолият ва ижтимоий мавқега эришиш	Шахсий кадриятлар. Ҳаётга оид дунёқарашда индивидуалистик қарашларнинг устунлиги

Кадриятлар ўринларини белгилашда респондентларгуруҳга ажратилган. «А» гуруҳ ҳаёти, турмуш тарзидан мамнунлар ва «Б» гуруҳ ҳаёти, турмуш тарзидан мамнун бўлмаганлар бўйича гуруҳларга ажратилиб тадқиқот ишлари олиб борилди. Тадқиқот босқичларида ҳаёти, турмуш тарзидан мамнун бўлган (90 нафар) ёки мамнун бўлмаган (90 нафар) респондентлар иштирок этишди. Тадқиқотимизда (25 та) ота-она ва уларнинг фарзандларидан иборат нуклеар оилалар ҳамда (25 та) ота-она ва фарзандлардан ташқари яқин қариндошларни (буви ва бувалар, набира, опа-сингил, ака-укаларни) бирлаштирган кўп бўғўнли оилалардан аёл ва эркаклар тенг ажратиб олинган. Респондентлардан 40 нафари оиласи билан ажралишган аёллар ва эркаклар. Шундан 5 йилдан 25 йилгача бирга турмуш қуриб яшаган (45 нафар) ўртача оралик ёши 22 дан 47 гача бўлган аёллар ҳамда ўртача ёши 28 ёшдан 55 ёшгача бўлган (45 нафар) эркаклар танлаб олинган.

Кадриятлар тизимида оила ва миллий кадриятларнинг мавжудлигини кадрият тизимида акс этилиши 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

**Оила ва миллий қадриятларнинг мавжудлиги қадрият тизимида
акс этилиши**

Қадриятлар	А гуруҳи (n-90) % (1-3 ўринлар)			“Б” гуруҳи (n-90) % (7-18 ўринда)		
	Тошкент	Навоий	Чет эл	Тошкент	Навоий	Чет эл
Миллий қадриятлар мавжудлиги	1	1	2	7	7	11
Бахтли оналик ва оталик	1	1	3	8	7	17
Оиладаги муносабатларнинг ишончлилиги ва мустақамлиги	1	1	1	7	8	10
Бахтиёр оилавий ҳаёт	1	1	2	9	8	11
Уйнинг тинчлиги, бирлиги, хотиржамлиги	1	1	2	11	15	17

5-жадвалдаги кўрсаткичлар Стьюдент формуласи мезони бўйича ҳисобланганда гуруҳлар ўртасида фарқлар аниқланган. Асосий фарқ шундаки, ўз ҳаётдан мамнун бўлган оилаларда миллий қадриятлар ва оила қадрияти биринчи ўринга қўйилган. Ҳаётдан мамнун бўлмаганларда эса еттинчидан ўн саккизинчи ўрингача намоён бўлган.

5-жадвал

**Қадриятлар тизимининг кўрсаткичлари Стьюдент корреляцияси
(ўртача қийматлар асосида)**

Қадриятлар даражаси	Қадриятлар тизими “А” гуруҳида мамнунлик даражаси	Қадриятлар тизими “А” ҳаётдан юқори	Қадриятлар тизими “Б” гуруҳида ҳаётдан мамнунлик паст даражаси				
			1	2	3	4	5
1	Миллий қадриятлар мавжудлиги		1.98	1.83	1.79	1.85	1.78
2	Бахтли оналик ва оталик		1.83	1.72	1.69	1.73	1.67
3	Оиладаги муносабатларнинг ишончлилиги ва мустақамлиги		1.05	1.64	1.75	1.78	1.81
4	Бахтиёр оилавий ҳаёт		1.12	1.85	1.79	1.71	1.69
5	Уйнинг тинчлиги, бирлиги, хотиржамлиги		1.01	1.13	1.45	1.79	1.75

Изоҳ: мезонлари: ўрин ва даражаси $P < 0,05$

Натижалар таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: биринчидан, қадриятлар ва ҳаётдан мамнун бўлиш орасида боғлиқлик мавжуд, иккинчидан, ҳаётдан мамнун бўлган «А» гуруҳ ва мамнун бўлмаган «Б» гуруҳ қадриятлар тизимида сифат жиҳатдан фарқлар аниқланган. Ушбу фарқлар «SF-36 Health Status Survey» натижалар билан боғлиқ, учинчидан, қадриятлар тизимида аниқланган фарқлардан бири «SF-36 Health Status Survey»

натижаларига кўра, ҳаётдан мамнун бўлган гуруҳда «А» миллий кадриятларнинг мавжудлиги; бахтли оналик ва оталик; оиладаги муносабатларнинг ишончлилиги ва мустаҳкамлиги; бахтиёр оилавий ҳаёт; уйнинг тинчлиги, бирлиги, хотиржамлиги каби кадриятлар биринчи даражада аниқланди, тўртинчидан, ушбу кадриятларни юзага келишига таъсир этувчи омиллар сифатида яшаш шароити, ижтимоий муҳит, шахс йўналганлиги, қоникқанлик даражаси ҳамда турмуш тарзини таъкидлаш ўринли, бешинчидан, қўлланилган методика натижасида «Б» гуруҳнинг ажралишган ва «А» гуруҳнинг ажралишган эркак ва аёллар кадриятлар тизимида сезиларли даражада фарқлар аниқланди. Жумладан, «Б» гуруҳда миллий кадриятларни инобатга олмаслик, оилани кадрият сифатида тан олмаслик, хафагарчилик, агрессив ҳолатлар, ўзини ҳақ деб билиш, ўзининг маанфатини кўзлаш, ўзгаларга нисбатан ҳурматсизлик билдириб ўзини оқлаш ва ҳимоя воситаларини ишлатиш кабилар устунлик қилса, «А» гуруҳда эса конструктив муносабатларни сақлаб қолишга интилиш, ўзгаларнинг фикрини инобатга олиш, фарзандлар учун илиқ муносабатлардан фойдаланиш, миллий кадриятларга оид оилани кадрлаш ва низоли вазиятдан конструктив йўл билан чиқиш ҳолатлари устун, олтинчидан, мустаҳкам оилаларнинг ўхшаш сифатлари сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: ҳаётдан мамнунлик, кадриятлар тизимида оила ва миллий кадриятларнинг юқори даражадалиги ва яшаш ижтимоий муҳитига кўра, ҳаёт сифатларининг намоён бўлиши. Таҳлил натижаларига кўра, тошкентлик респондентларда жамоавий кадриятлар; навоийлик респондентларда жамоавий кадриятлар ва ўз саломатлигини кадрлаш; чет эллик респондентларда шахсий кадриятлар, ҳаётга оид дунёқарашларида индивидуалистик қарашларнинг устунлиги аниқланган.

Эр-хотин орасидаги оилавий кадриятларни ва ролли установакалар орасидаги боғлиқликни аниқлашда А.Н.Волкова томонидан ишлаб чиқилган методикадан фойдаланилди. Эмпирик маълумотлар йиғишда фойдаланилган психодиагностик воситалар имкониятидан келиб чиқиб, синалувчилар шартли равишда «А» (ҳаётдан мамнун бўлганлар) ва «Б» (ҳаётдан мамнун бўлмаганлар) гуруҳларига фарқлаб олинди.

«А» гуруҳидаги эр-хотин орасидаги оилавий кадриятларнинг мувофиқлиги³ балдан ошмаганлиги б-жадвалда кўриниб турибди.

6-жадвал

«А» гуруҳидаги эр-хотин орасидаги оилавий кадриятларнинг мувофиқлиги

Оилавий кадриятлар	Жинсий	Шахсий идентификация	Уй - рўзгор	Ота-она тарбияси	Ижтимоий фаоллиги	Эмоционал психотерапевтик	Ташқи жозибадорлик
ОҚШэр	9	9	6	7	8	4	5
ОҚШаёл	6	6	8	9	7	7	8
ОҚМ	3	3	2	2	1	3	3

Изоҳ: ОҚШэр ва ОҚШаёл - эркак ва аёлларнинг оилавий кадриятлари миқёсидаги шкалалар, навбати билан, ОҚМ - турмуш ўртоқларда оилавий кадриятларнинг мувофиқлиги.

Умумий ҳолда бу гуруҳда эркак(эр)ларга биринчи ўринда шахс сифатида лидерлик, оилада обрўли бўлиш, жинсий соҳада қониқиш, ижтимоий ҳаётга интилиш ва оилани моддий томонланма таъминлаш ва бола парвариши ҳамда унинг тарбиясида иштирок этиш вазифаси юклатилади. Аёлларнинг кўпчилиги биринчи ўринда ўз ролини боланинг парвариши ва тарбиясида, ўзининг ташқи кўринишига эътибор беришда, уй-рўзғор юмушлари билан банд бўлишда, шу билан бирга, эр ва оила аъзоларига эмоционал психотерапевтик ёрдам кўрсатишга интилишда ҳамда маълум бир касб эгаси бўлишга ҳаракат қилишида намоён қилишади. «А» гуруҳидаги эр-хотинларнинг ролли адекватлигини аниқлаш қуйидаги 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

